

**БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ҚЎЛЛАГАН ҲАШАТИШЛАР
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ****Собирова Дилафруз**

(PhD) Андижон давлат педагогика институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7229242>

Аннотация. Мақолада ўзбек болалар шеъриятида алоҳида ўрин тутган бадиий тасвир воситаларидан бири ҳаштишнинг юзага келиши ва унинг болаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши, психологияси, теварак-атрофга, жонли - жонсиз нарсаларга бўлган муносабати асосида шаклланиши; бола нутқида муқим ўрнига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган; ҳаштишларни мавзуй гуруҳлар ажратилиб, мисоллар орали изоҳлаб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек болалар шеърияти, ҳаштиш, морфологик усул ёрдамида ҳаштиш, лексик-семантик усул ёрдамида ҳаштиш ҳосил қилиш.

ЛИНГВОПОЭТИКА СРАВНЕНИЙ В ДЕТСКОЙ ПОЭЗИИ

Аннотация. В статье одним из средств художественного изображения, занимающим особое место в узбекской детской поэзии, является возникновение сравнения и его формирование с учетом детского возраста, мышления, мировоззрения, психологии, отношения к окружающему, одушевленным и неживым предметам. ; показано, что у ребенка есть фиксированное место в его речи; сравнения разбиты на тематические группы и пояснены примеры.

Основные слова и словосочетания: узбекская детская поэзия, сравнение, сравнение с использованием морфологического метода, создание сравнения с использованием лексико-семантического метода.

LINGUPOETICS OF SIMILES USED IN CHILDREN'S POETRY

Abstract. The article discusses the emergence of analogy, one of the means of artistic expression, which has a special place in Uzbek children's poetry, and its formation on the basis of children's age, thinking, worldview, psychology, attitude to the environment, animate and inanimate objects; the child is shown to have a stable place in speech; the analogies are divided into thematic groups and explained between examples.

Keywords and phrases: Uzbek children's poetry, simulation, morphological simulation, lexical-semantic simulation.

КИРИШ

Маълумки, сўзнинг кудрати, туганмас сөҳри ва жилоси бадиий асарларда бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Айниқса, бу ҳолат болалар адабиётида ўзгача бир одмилик, соддаликка йўғрилган тарзда юзага чиқарилади. Болалар адабиётининг олдида турган вазифалардан бири ёш авлоднинг бадиий, маърифий-эстетик қарашларини ривожлантириш экан, демак, бу борада унинг олдидаги вазифалар улкан. Шунингдек, ёш китобхон қалбига эзгулик уруғини сочиш, эстетик дидини тарбиялаш ва уни жамият учун фойда келтирадиган ижтимоий фаол инсонга айлантиришдан иборат. Буни дилдан ҳис қилган болалар ижодкорлари азалдан ўз асарларида айнан мана шу мақсадни рўёбга чиқариш учун она тилимиздаги барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиб келишади. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, миллий адабиётимизга муносабатнинг ўзгариши, болалар адабиётини ривожлантириш ва тарғиб

килишда янгича замонавий ёндашувларнинг юзага келиши, жаҳон адабиёти, жумладан, дунё болалар адабиёти дурдоналарини тўғридан-тўғри асос тилда ўрганиш учун янги саҳифаларнинг очилиши ўзбек болалар шеърятининг мазмун-мундарижасини батамом ўзгартириб юборди, болалар шеърятига мумтоз ва жаҳон адабиётидан илҳомланган поэтик руҳ кириб келди. Ҳатто шеърый тўпламларнинг номларида ҳам юксак поэтизм, бадий таъсирчанлик кўзга ташланди. Анвар Обиджоннинг «*Ғалати мактублар*», *Капалак қўшиғи*», «*Полосонлик палопонлар*»; Турсунбой Адашбоевнинг «*Осмондаги дарвоза*», «*Осмон ойдан бошланар*», «*Қарга қақимчи*»; Кавсар Турдиевнинг «*Рақамлар бўйлаб саёҳат*», «*Қувноқ алифбо оламига саёҳат*», «*Согинчлар сочилган бекатда*»; Абдурахмон Акбарнинг «*Уйқучининг тушлари*», «*Ғаройиб автобус*», Қамбар Отанинг «*Атлас кийган мушукча*», Дилшод Ражабнинг «*Яхши бола – бахши бола*», «*Поезднинг боласи*», Х.Шомуродовнинг «*Тўполончи чумчуқлар*», Х.Комиловнинг «*Мазали китоб*», Яҳё Тоғанинг «*Қарчигайнинг жияни*» деб номланган тўпламлари номининг ўзидаёқ катта бадий маҳорат, юксак поэтизм унсурлари кўзга ташланиб турибди. Ижодкорлар мазкур тўпламлардан жой олган шеърларда бадий тасвир воситаларининг барча турларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, янгича тимсоллар, кўчимлар, метафоралар, бетакрор поэтик тасвирларни юзага чиқаришга уринишган.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Манбаларда ўхшатиш учун тўртта унсурнинг қатнашиши шарт деб олинади: а) ўхшатилаётган нарса; б) ўхшаётган нарса; в) ўхшатилиш сабаби, икки нарса-тушунчани бир-бирига ўхшатиш асоси; г) ўхшатиш конструкциясидаги грамматик восита.

Масалан: *Дарсни қилмай келибсан, Турибсан-ку бўзариб,*

Икки юзинг шолғомдек, Кетмаса бас, қизариб. (К.Турдиева. “Сайланма”, 133-бет)

Мазкур шеърда ўхшатилаётган нарса “шолғом”, ўхшаётган нарса “юз”, икки нарсанинг бир-бирига ўхшатилиш асоси “қизариш”, ўхшатиш конструкциясидаги грамматик восита “- дек” кўшимчаси. Шоира дарс қилмай келган ўқувчининг ҳолатини шолғомнинг кўринишига ўхшатиб, чиройли бадий тасвир ҳосил қилган.

Куйидаги сатрларда ҳам шундай ҳолатга дуч келамиз:

Гулдай учар капалак,

Қизлар сочи жамалак.

Қиқир-қиқир кулади,

Дошқозонда сумалак;

Қанот ёзган бургутдай,

Кенгайган қир-далалар.

Эртакларда топилмас,

Бу ажойиб паллалар. (Дилшод Ражаб. “Поезднинг боласи”, 6-,7- бетлар) “Капалак”ни “гул”га, “қир-адирлар”ни “қанотини ёзган бургут”га ўхшатиш болаларга чексиз завқ-шавқ беради, табиатдан баҳра олишга ундайди.

Болалар шеърятинида ўхшатишларнинг икки тури учрайди: а) содда ўхшатишлар; б) мураккаб ўхшатишлар.

Содда ўхшатишларда бир предметга хос бўлган хусусият иккинчи бир предметга кўчирилади. Масалан:

Нок келтирганди дадам,

Нор билан кўрдим баҳам.

Новвотдек экан тоти,

Нашвати эрур оти. (Абдурахмон Акбар. “Ғаройиб автобус”, 36-бет)

Бу ўринда нок сўзи новвот сўзига маза семаси асосида ўхшатиляпти.

Мураккаб ўхшатишларда бир предметнинг бир нечта хусусияти бошқа предметга солиштирилади. Мисол:

Қолаверса, Ватаним,

Бошим силаб отамдек,

Меҳр бериб онамдек,

Ўстирмоқда Хотамдек. (У.Абдуазимова. “Ўзбекча туш кўраман”, 60-бет)

Мазкур мисолда отанинг бағрикенглиги, онанинг меҳрибонлиги, Хотамнинг саховати фақат битта объектга – Ватанга нисбатан қўлланяпти.

Болалар шеъриятида ўхшатишлар билан бир қаторда нарса ва предметлар ўртасидаги ўхшашликка асосланган ўхшашли кўчим – метафора (истиора) ҳам учрайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Метафора грекча *metaphora* – кўчириш сўздан олинган бўлиб, предметлар ўртасидаги ўхшашликка асосланган поэтик кўчим, яъни ўхшашлик кўчим саналади. Метафора ўхшатишдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади: а) ўхшатишда ўхшатиловчи ҳам, ўхшатилмиш ҳам ҳам маълум грамматик воситалари билан биргаликда ўз маъноларида қатнашадилар. Метафорада эса ўхшатиловчи нарса ўрнида ўхшатилмишнинг ўзи кўчма маънода келади; б) ўхшатишда ҳамма вақт икки ёки уч компонент иштирок этиб, у хоҳлаганча кенгайиши мумкин, метафорада кўчма маъно ташувчи бир компонентгина иштирок этади. Баъзи манбаларда у истиора атамаси билан аталади. Икки нарса-ҳодисанинг ўхшашлигига асосланган мажоз метафора ёки истиора деб аталади. Метафора ёпик ўхшатишдир. Ўхшатиш учун зарур бўлган сўз ва қўшимчалар унда тушиб қолади.

Д.Қуроновиқнинг фикрича, метафора моҳиятан яширин ўхшатиш бўлиб, унда ўхшатилаётган нарса тилга олинмаган ҳолда унинг маъноси ўхшаётган нарса воситасида юзага чиқарилади. Бадиий адабиётда метафоранинг маъноси ғоят серқирра, чунки у матндаги бошқа сўзлар билан бирга мазмуний бутунликни ташкил қилиб, улар билан алоқада ҳосил қилинган тасаввурлар маъно диапазонини кенгайтиради. Лексик метафора маъноси бир сўз доирасида англашилиши мумкин ва у номинатив (аташ) вазифасини бажаради, бадиий метафоранинг функцияси эса аташдан анча кенг, у матндаги бошқа сўзларнинг маънолари таъсирида мазмунни кенгайтиради ва эстетик вазифа бажаради. Бу ҳолат катталар шеъриятига нисбатан болалар шеъриятида янада яққолроқ намоён бўлади. Масалан:

Яшил тароқ арчалар,

Кенг ёзиб қулочини.

Эринмасдан шамолнинг

Тарар пахмоқ сочини. (Турсунбой Адашбоев, “Она тилим”, 10-бет)

МУҲОКАМА

Бу ерда арчаларнинг нинабаргларига нисбатан *тароқ*, шамолга нисбатан *пахмоқ* соч истиораларининг қўлланилиши ўзига хос поэтик образни юзага келтирган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, арчаларнинг нинабарглари тароққа, шамолнинг ҳолати пахмоқ сочга ўхшатишган.

Демак, бу каби кўчма маънодаги ўхшатишларга метафора ёки истиора деб ёндашиш тўғри бўлади, чунки истиора бу оддий ўхшатиш эмас, у табиий бўлса, сўзга гўзаллик бағишлайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай ўхшатишда ўхшатилаётган нарса ва ўхшаётган нарсанинг бўлиши талаб этилади, истиорада эса фақат ўхшаган нарса тилга олинади, ўхшатилаётган нарса яширин бўлади. Масалан, қиш фаслида тол шохларида қировнинг қотиб қолиши, *музбалдоққа*, ўхшатиляпти:

Тол шохида – «музбалдоқ».

Қуш-у ҳайвонлар учун,

Булар балки музқаймоқ. (Анвар Обиджон. “Музбалдоқлар”, 31-бет)

Қор оқ кўрпа, оппоқ зарга ўхшатиляпти:

Туни билан булут қорни элаб чиқди,

Тўқайзорни оқ кўрпага белаб чиқди. (Турсунбой Адашбоев. “Қарға қақимчи”, 8- 42-бетлар)

Элагин қоқди булут,

Роса гуппа-гуппалаб.

Дов-дарахтни беади,

Оппоқ зарин упалаб (Турсунбой Адашбоев. “Она тилим”, 20-бет)

Қуйидаги мисолда Ўзбекистон байроғининг кўринишидан фойдаланиб, чиройли метафора ҳосил қилинган.

Ҳаво ранг, оқ ва яшил,

Бордир қизил белбоғи. (Наримон Орифжонов. “Ўзбекистон байроғи”, 1-синф учун “Синфдан ташқари ўқиш китоби”дан, 13-бет)

Бу каби метафоралар ўқувчига олам-олам завқ бағишлайди. Бошқа бир томондан, уни фикрлашга, гап нима ҳақида кетаётганини топишга, айтилган тасвирни тасаввур қилишга ундайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, болалар адабиётида ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни фикрлашга ундаш, нарса-ҳодисаларни бир-бирига солиштириш ва ўхшаш томонларини топиш ва нутқда қўллашга одатлантиришда метафора (истиора)ларнинг ўрни катта. Ўринли қўлланган метафора (истиора)лар бадийликни оширишга, асарнинг эстетик таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати. – Тошкент: Зарқалам, 2006.
3. Муродий Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, №6. – Б. 78-80.
4. Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013.
5. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарк, 2008. – Б. 136.
6. D.A.Sobirova. BOLALAR SHE’RIYATIDA ALLITERATSIYA. Илмий хабарнома. Серия: Гуманитар тадқиқотлар, 2020, № 5(49)